Транспорт

Юк ташиш. 2017 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 81,3 млн. тонна юк ташилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 98,0 фоизга кўп.

Юк айланмаси барча транспорт турлари томонидан 419,4 млн.тн-км. ни ташкил қилди ва 2,1 фоизга кўпайди.

Юк ташиш ва юк айланмаси транспорт турлари бўйича қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Ташилган юк, млн. тн	81,3	98,0
шу жумладан:		
автомобил транспортида	81,3	98,0
Юк айланмаси, млн. тн-км	419,4	102,1
шу жумладан:		
автомобил транспортида	419,4	102,1

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг автомобил транспортининг юк айланмаси 2016 йил январь-мартга нисбатан 7,6 фоизга кўпайди ва 178,8 млн. тн-км. ни ташкил қилди. Юк айланмасининг умумий ҳажмида хусусий юк ташувчиларнинг улуши 43,1 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-мартда 40,9 фоиз).

Йўловчи ташиш. 2017 йил январь-мартда барча транспорт турлари томонидан 42,6 млн. киши ташилган бўлиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,6 фоизга кўпайган. Йўловчи ташиш айланмаси ушбу даврда 100,3 фоизни ташкил этиб, 613,9 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди.

Транспорт турлари бўйича йўловчи ташиш ва йўловчи айланмаси қуйидагича ифодаланади:

	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
Транспортда ташилган йўловчилар, млн. киши	42,6	104,6
шу жумладан, автомобил транспортида	42,6	104,6
Йўловчи айланмаси, млн. йўловчи-км	619,3	100,3

	2017 йил январь-март	2016 йил январь-мартга нисбатан фоиз ҳисобида
шу жумладан, автомобил транспортида	619,3	100,3

Хусусий йўловчи ташувчилар автомобил транспортида йўловчи айланмаси 2016 йил январь-мартга нисбатан 107,9 фоизга кўпайди ва 358,7 млн. йўловчи-км. ни ташкил қилди. Йўловчи айланмасининг умумий ҳажмида хусусий йўловчи ташувчиларнинг улуши 58,4 фоизни ташкил этди (2016 йил январь-мартда 54,3 фоиз).